



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH AGENTLIGINING

BUYRUGI

Toshkent shahri

“ 31 ” 07 20 19 у.

№ 6к-110

“Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” акциядорлик жамиятини ташқил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 майдаги “Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5719-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари томонидан 2019 йил 20 майда тасдиқланган чора-тадбирлар (20.05.2019 йилда 24/1-220-сон билан рўйхатга олинган) режасига асосан **буюраман**:

1. Қуйидагилар:

“Навоий” эркин иқтисодий зона дирекцияси” давлат унитар корхонасининг мол-мулклари “Бизнес Стандарт” МЧЖ баҳолаш ташкилоти томонидан 2019 йил 25 июндаги В527-19-сонли баҳолаш ҳисоботида кўра 125 273 225 000 (бир юз йигирма беш миллиард икки юз етмиш уч миллион икки юз йигирма беш минг) сўмга баҳоланганлиги ва ҳисоботни ҳаққонийлиги тўғрисида “Ҳисоб ва бизнес баҳолаш” МЧЖ томонидан 2019 йил 25 июлда 01/314-EZ/19-сонли экспертиза хулосаси тақдим этилганлиги;

Давлат активларини бошқариш агентлиги Навоий вилоят ҳудудий бошқармасининг 2019 йил 25 июлдаги 88 а-ф-сонли буйруғига кўра “Навоий” эркин иқтисодий зона дирекцияси” давлат унитар корхонасининг мол-мулклари баҳоланган қийматда “Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” акциядорлик жамияти устав капиталига берилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” давлат унитар корхонаси қайта ташқил этиш йўли билан “Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” акциядорлик жамиятига айлантисин.

3. “Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” акциядорлик жамиятининг бошланғич устав капитали 125 273 225 000 (бир юз йигирма беш миллиард икки юз етмиш уч миллион икки юз йигирма беш минг) сўм миқдориди тасдиқлансин ва номинал қиймати 100 сўмдан бўлган 1 252 732 250 дона эгасинининг номи ёзилган оддий акциялар 100 фоиз давлат улуши сифатида жойлаштирилиши белгилаб қўйилсин.

4. “Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” акциядорлик жамиятининг бошланғич устав капитали “Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” давлат унитар корхонасининг баҳоланган қийматдаги 125 273 225 000 (бир юз йигирма беш миллиард икки юз етмиш уч миллион икки юз йигирма беш минг) сўмлик мол-мулкларни берилиши ҳисобига шакллантирилсин.

5. “Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” акциядорлик жамиятининг устави ва унинг эмиссия рисоласи 1- ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

6. “Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” акциядорлик жамиятининг бошқарув раиси вазифасини бажарувчи этиб Абдуллаев Хабиб Пулатович тайинлансин.


7. Давлат активларини бошқариш агентлиги директор ўринбосари Д.Юнусовга “Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” акциядорлик жамиятининг эмиссия рисоласи тасдиқлаш ва ягона акциядори, шу жумладан акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарорларини қабул қилиш ва тасдиқлаш ҳамда жамиятнинг акцияларини жойлаштириш бўйича шартномаларни имзолаш ваколати берилсин.

8. “Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” акциядорлик жамиятининг бошқарув раиси в.б. Х.Абдуллаевга жамиятни ташкил этиш билан боғлиқ барча ишларни амалга ошириш, шу жумладан жамиятнинг устави ва акциялар чиқарилувини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишини таъминлаш топширилсин.

9. Девонхона (Валижанов) мазкур буйруқнинг нусхаларини Агентликнинг марказий аппарати таркибий бўлинмалари, ҳудудий бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва “Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” акциядорлик жамиятига етказилишини таъминласин.


10. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш директор ўринбосари Д.Юнусов зиммасига юклансин.

Директор


А. Хайдаров

Киритилди:

Саноат соҳасидаги активларни
бошқариш Департаменти



Б.Хайдаров

Келишилди:

Директор ўринбосари



Д.Юнусов

Давлат активларини тасарруф этиш ва
мажбуриятларни мониторинг қилиш
Департаменти



Ж.Ахмедов

Инфратузилмавий активларни
бошқариш Департаменти



А.Миралиев

Ёқилғи-энергетика тармоғидаги
активларни бошқариш Департаменти



С.Курбоналиев

Юридик бошқарма



С.Ганиев